

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.К.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШКАРАЕВ САДРИДИН ЧОРИЕВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЦЕЗИЙ-137
ВА СТРОНЦИЙ-90 РАДИОНУКЛИДЛАРИНИ БЕТА ВА ГАММА
НУРЛАНИШЛАР АСОСИДА АНИҚЛАШНИНГ РАДИОМЕТРИК-
СПЕКТРОМЕТРИК УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

УДК:543.34:543.422.3

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Эшкараев Садридин Чориевич

Сурхондарё вилояти тупроқлари таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини бета ва гамма нурланишлар асосида аниқлашнинг радиометрик-спектрометрик усулини ишлаб чиқиш..... 3

Эшкараев Садридин Чориевич

Разработка радиометрическо-спектрометрического метода определения радионуклидов цезия-137 и стронция-90 на основе бета и гамма-излучений в почвах Сурхандарьинской области 21

Eshkaraev Sadridin Chorievich

Development of radiometric-spectrometric method for the determination of radionuclides of cesium-137 and strontium-90 based on beta and gamma radiation in soils of Surkhandarya region..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШКАРАЕВ САДРИДИН ЧОРИЕВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЦЕЗИЙ-137
ВА СТРОНЦИЙ-90 РАДИОНУКЛИДЛАРИНИ БЕТА ВА ГАММА
НУРЛАНИШЛАР АСОСИДА АНИҚЛАШНИНГ РАДИОМЕТРИК-
СПЕКТРОМЕТРИК УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/К305 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб- саҳифада www.samdu.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кулматов Рашид Анорович
кимё фанлари доктори, профессор

Султонов Марат Мирзаевич
кимё фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.К.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг "30" 04 2020 йил соат "10:00" даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хибони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305-хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (43 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хибони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51)

Диссертация автореферати 2020 йил «22» 07 кунни тарқатилган.
(2020 йил «22» 07 даги 6 - рақамли реєстр баённомаси)



А. М. Насимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., проф.

Ш.М. Сайиткулов,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, к.ф.н., доц.

Э.А. Абдурахманов,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун дунёда табиий муҳитни радиометрик мониторинг қилиш бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Олимларнинг маълумотларига кўра, инсоннинг бутун умри давомида табиий радиация манбаларидан оладиган нурланишининг улуши ўртача 87 фоизни ташкил этади, қолган 13 фоизини эса инсон ўзи яратган манбалардан қабул қилади. Ривожланган давлатлар ҳар йили миллиардлаб доллар маблағларни радиоактив чиқиндиларни утилизация қилишга сарфлашмоқда. Шунинг учун бугунги кунда табиий муҳитни радиометрик мониторинг қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мониторинг учун эса оптимал, юқори самарадорликка эга ва натижавийлик берадиган радиометрик аниқлаш усуллари зарур.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий изланишларда экологик объектлардаги радионуклидларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича бажарилаётган кенг кўламли тадқиқотлар уларни аниқлаш чегарасини камайтиришга, макро ва микрокомпонентларнинг таъсирини йўқ қилишга ёки сезиларли даражада камайтиришга, анализнинг тўғрилиги ва аниқлигини оширишга имкон беради. Табиий объектлар таркибидаги радионуклидларни аниқлашда асосан қуйи фонли радиометрия, бета-спектрометрия ва масс-спектрометрия усулларидан фойдаланилади. Шунинг учун радионуклидларни аниқлашнинг самарали радиометрик-спектрометрик усулларни ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикамызда инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикамызда табиий объектлардаги радионуклидларни самарали, тезкор ва иқтисодий жиҳатдан арзон аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4265-сонли Қарори ва 2019 йил 10 сентябрдаги №565-сонли “Атом энергиясини тинчлик мақсадида қўллаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ривожланган давлатларда радионуклидлар: радон, радий, торий, уран, плутоний, цезий, стронций ва бошқаларни радиометрик усулда аниқлаш кенг қўлланилмоқда. Лекин радионуклидларни радиометрик аниқлаш бизнинг мамлакатимизда кам ўрганилган. Бугунги кунда Республикада фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимлари сезгирлиги ва танлаб таъсир этувчанлиги паст бўлган портатив радиометрлар ёрдамида радиометрик назорат олиб боришмоқдалар. Атроф-муҳитдаги радионуклидларнинг бета ва гамма нурланишларини рухсат этилган концентрацияларда аниқлаш, назорат ва мониторинг қилиш учун юқори сезгир ва юқори самарадор усулларга талаб ортиб бормоқда ва бу долзарб муаммо ҳисобланмоқда. Шунингдек, радиометрик аниқлаш усули инсон ва бошқа тирик организмларга зарарсиз бўлиши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, атроф-муҳитдаги радионуклидлар миқдорини аниқлаш бўйича бир қатор муаллифлар: Ю.А.Золотов, А.М.Чугаев, А.П.Черняев, Б.П.Черняго, А.Н.Уваров, Л.П.Рихванов, Ю.П.Попов, Ю.В.Робертус, А.В.Пузанова, Entony V.Nero, V.K.Kaltover, А.А.Гарибов, А.Ж.Микаилова, U.Sansone, К.К.Chang, R.Schorn, J.E.Moerlins, F.Lietman ва бошқа қатор олимларнинг радиометрик-спектрометрик анализга қўшган ҳиссаси салмоқли эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Бу олимлар сафига Республика ва Марказий Осиёда турли хил радионуклидларни аниқлаш учун нейтрон-активация анализи йўналишида ўз мактаби ва ўрнига эга бўлган ўзбек олимлари, академиклар Ш.Т.Толипов ва А.Ғ.Ғаниевни, олимлар А.А.Кист, Р.А.Қулматов, Х.Х.Тўраев, У.Худойберганов ва бошқаларни ҳам қўшиш мумкин.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси тупроқдаги радионуклидларни аниқлаш ва уларни экоаналитик амалиётда қўллаш имконини берувчи кенг қўламдаги илмий-тадқиқотлар олиб бориш учун замин бўлиши мумкинлиги ҳақида далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-12-ФҚ-17926-сонли “Замонавий ядро-физикавий методлар ёрдамида гидрометаллургия корхоналари чиқинди эритмалари таркибидаги нодир металлларни концентрлаш ва ажратиш (2012-2016)”, Ф-7-28 «Тўртламчи азот ва фосфор бирикмалари асосида бинар экстрагентлар синтези ва уларнинг нодир металллар билан координацион бирикмалари» (2012-2016) ва ОТ-Ф7-34 «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металлларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020) мавзуларидаги амалий ҳамда фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сурхондарё вилояти тупроқларидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини бета- ва гамма-нурланишлар асосида радиометрик-спектрометрик аниқлаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда бу радионуклидларнинг Сурхондарё вилояти тупроқларидаги тарқалишини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тупроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини бета- ва гамма-нурланишлар асосида радиометрик-спектрометрик аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини бета- ва гамма-нурланишлар асосида радиометрик-спектрометрик аниқлаш усулининг аналитик параметрларини баҳолаш;

ишлаб чиқилган усулни лаборатория шароитида синовдан ўтказиш ва турли табиий объектлар анализидан қўллашнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

Сурхондарё вилояти тупроқларидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларининг тарқалиш ва кўчиш қонуниятларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларининг стандарт намуналари, Сурхондарё вилоятидаги собиқ кишлок хўжалик аэродромлари, минерал ўғитлар, захарли кимёвий моддалар омборлари ҳамда захарли кимёвий моддалар қабристони каби 12 та нуқталаридан тупроқ намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Сурхондарё вилояти тупроқларидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини бета- ва гамма-нурланишлар асосида МКГБ-01 радиометр-спектрометри ёрдамида радиометрик-спектрометрик аниқлаш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот усуллари сифатида радиометрик, спектрометрик, масс-спектрометрик ҳамда олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

илк бор тупроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини бета- ва гамма-нурланишлар асосида радиометрик-спектрометрик аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

тупроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини МКГБ-01 радиометри билан аниқлашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

ишлаб чиқилган усул ёрдамида тупроқ таркибидаги цезий-137 радионуклиди $(0,5 - 2) \cdot 10^4$ Бк/кг ва стронций-90 радионуклиди $(0,3 - 1,5) \cdot 10^4$ Бк/кг чегарасида аниқланган;

ишлаб чиқилган усулнинг тўғрилиги ва такрорланувчанлиги, радионуклидлар миқдорини аниқлаш чегаралари масс-спектрометрия усули билан метрологик баҳоланган, цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларининг Сурхондарё вилояти тупроқларида тарқалиш ҳамда кўчиш шакллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

тувроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини радиометрик-спектрометрик аниқлашнинг сезгир, тезкор, иқтисодий жиҳатдан арзон, танловчан усули ишлаб чиқилган;

Атроф-муҳит объектлари (тувроқ, атмосфера ҳавоси, табиий ва оқова сувлар) даги цезий-137, стронций-90 ва бошқа радионуклидларни МКГБ-01 радиометри билан аниқлашнинг мақбул шароитлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги радиометрия, спектрометрия, масс-спектрометрия каби замонавий физик-кимёвий усуллар билан тасдиқланган. Хулосалар математик статистика усуллари билан қайта ишланган ва тажриба натижалари асосида таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тувроқ, атмосфера ҳавоси, табиий ва оқова сувларнинг цезий-137 ва стронций-90 радионуклидлари билан радиоктив зарарланишини радиометрик-спектрометрик аниқлаш таклиф қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усул цезий-137, стронций-90 ва бошқа радионуклидларни радиометрик-спектрометрик аниқлашни ҳавода, табиий ва оқова сувларда, АЭС атрофи мониторингида қўллаш имконини беради. Шунингдек, ишлаб чиқилган аниқлаш усули келажакда атроф-муҳит мониторингида радиологик картография ва дронлар ёрдамида масофавий зондаш асбобларида ишлатишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тупроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини радиометрик-спектрометрик аниқлаш усулини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар натижаларига асосан:

радионуклидларни радиометрик-спектрометрик аниқлаш усули А-12-ФҚ-17926-рақамли “Замонавий ядро-физикавий методлар ёрдамида гидрометаллургия корхоналари чиқинди эритмалари таркибидаги нодир металлларни концентрлаш ва ажратиш” мавзусидаги лойиҳада нодир металлларнинг радионуклидларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 89-03-2097-сонли маълумотномаси). Натижада гидрометаллургия корхоналари чиқинди эритмалари таркибидаги нодир металлларни радиометрик аниқлаш имконини берган.

тувроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини радиометрик-спектрометрик аниқлаш усули “Олмалиқ КМК” АЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2020 йил 22 июндаги АА №004788-сонли маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган усул тувроқдаги цезий-137 ни $(0,5 - 2) \cdot 10^4$ Бк/кг ва стронций-90 ни $(0,3 - 1,5) \cdot 10^4$ Бк/кг чегарасида аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган, шулардан, 3 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларидир.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 3 та, жумладан 2 та мақола Республикада ва 1 та илмий мақола халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 99 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Тупроқ таркибидаги радионуклидларни аниқлаш усулларининг замонавий ҳолати**» бобида табиий атроф-муҳитда радионуклидларнинг тарқалиши, радиоактив нурланишлар турлари метрологик тавсифлари, радионуклидларнинг тупроқда ҳосил бўлиши ва кўчиши, табиий ва сунъий радионуклидлар ҳамда радионуклидларни радиометрик-спектрометрик усулларда аниқлашга бағишланган адабиётлар шарҳи берилган. Инсон ва бошқа тирик организмларга радионуклидларнинг салбий таъсири ўрганилган.

Диссертациянинг иккинчи «**Тупроқдаги радиометрик тадқиқотларда қўлланилган асбоб-ускуналар ва материаллар**» бобида тадқиқотларни бажариш учун керак бўлган жиҳозлар, тадқиқот усуллари, стандарт ва ишчи эритмаларни тайёрлаш усуллари, намуналар танлаш ва уларни тайёрлаш усуллари келтирилган. Тадқиқотларни муваффақиятли ўтказиш учун аналитик, экологик ва оптик таҳлил усулларининг барча талабларига жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ишлатилган.

Тадқиқотларда олинган маълумотларни жаҳон илмий адабиётларида маълум бўлган математик қайта ишлашнинг асосий усуллари, шунингдек, ишлаб чиқилган усулларнинг сифатини баҳоловчи мезон ҳисобланувчи сезгирлик - радионуклидлар миқдорини аниқлашнинг қуйи чегараларини аниқлаш йўллари келтирилган.

Учинчи «**Сурхондарё вилояти тупроқларидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидлари активликларини бета- ва гамма-нурланишлар асосида радиометрик-спектрометрик аниқлаш усулини ишлаб чиқиш ва аналитик баҳолаш**» бобида тупроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини аниқлашнинг радиометрик-спектрометрик усулини ишлаб чиқиш, аниқлашнинг оптимал шароитини аниқлаш, калибровка, фонн аниқлаш, ишлаб чиқилган усулнинг метрологик тавсифлари ҳамда уларни қўллаш имкониятларини ўрганиш натижалари келтирилган.



1-расм. МКГБ-01 “РАДЭК” спектрометр-радиометрининг йиғилган ҳолати



2-расм. Гамма-нурланиш детекторлаш блоклари (БДЕГ-63, БДЕГ-80, БДЕГ-150)


Тадқиқотлар статик усулда Сурхондарё вилоятининг 12 нуқтасидан танлаб олинган тупроқ намуналарида олиб борилди. Стандарт ва синов тупроқ намуналаридаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидлари активлигини радиометрик-спектрометрик анализ усулида аниқланди. Радионуклидларнинг солиштирма ва ҳажмий активлиги ($\alpha_{ст}$ ва $\alpha_{кн}$) стандарт ва синов намуналарининг активлиги фарқидан топилди. Анализ давомийлиги – 40 минут, радионуклидларнинг умумий активлиги «ASW» дастури асосида автоматик ҳисобланди. Олинган натижалар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан олинган стандарт намуналар натижалари билан солиштирилди ва тупроқдаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидлар активлигини радиометрик-спектрометрик аниқлашнинг оптимал шароити топилди (2-жадвал).

2-жадвал


Аниқлашнинг оптимал шароити

№	Ўлчанаётган катталиклар	Қиймати
1	Спектрометрнинг аниқлаш хатолиги	$\pm 10\%$ ($P=0.95$) дан ошмайди
2	Ҳисоб намунасидаги зичлик қиймати	0,2 дан 2 г/см ³ гача
3	Ўлчаш вақти	2400 с (40 мин)
4	Аниқлаш сезгирлиги	0,64 имп/с·бкл
5	Детекторлаш блоки	БДЕГ-80
6	Ўлчов идиши	«Маринелли»
7	Цезий-137 учун ўлчаш диапазони	$0,5-2 \cdot 10^4$ бкл/кг
8	Стронция-90 учун ўлчаш диапазони	$0,3-1,5 \cdot 10^4$ бкл/кг

Радиометрни даражалаш. Радиометрнинг NaI (Т1) ли энергия детекторини даражалашда RGK-1 сертификатланган стандарт намунадан фойдаланилди. Бунинг учун куйидаги гамма-спектр чизиклари: Pb-214 (352 кэВ), Bi-214 (609 кэВ), K-40 (1460 кэВ) ва Tl-208 (2615 кэВ) танлаб олинди. Даражалаш учун радиометрнинг «ASW» дастурида ўлчаш параметрлари, яъни ўлчаш идиши ва намуна тури 3- ва 4-расмлардаги каби танланади:




3-расм. МКГБ-01 радиометрини даражалашда ўлчаш параметрларини танлаш



4-расм. Намуна оғирлиги, спектр канали, ўлчаш вақтини танлаш


Радиометр 1000 с давомидан танланган радионуклидларнинг активлигини ўлчайди ва экранга ўлчаш натижаларини чиқаради (5-расм).



5-расм. МКГБ-01 радиометрини “ASW” дастури ёрдамида автоматик даражалаш натижалари

3-жадвал NaI (Тl) ли детекторни даражалашда ҳисоблаш учун доимий энергия қийматлари

Параметрлар	Қиймати
E_0	$-31,84534 \pm 578857$
B	$3,38299 \pm 0,03104$
A	$1,81853 \cdot 10^{-4} \pm 3,5325 \cdot 10^{-5}$



6-расм. Радионуклидлар активлигининг энергия каналлари рақамига мослиги

“ASW” дастури (1) формула асосида гамма-спектр каналлари энергияларини қуйидаги формула бўйича автоматик равишда ҳисоблайди;

$$E = E_0 + BC + AC^2 \quad (1)$$

Бу ерда, E_0 , B и A – доимий катталиқлар.

3-жадвалдаги доимий қийматлар асосида радионуклидлар энергияси тегишли спектр каналларида (1) формула билан ҳисобланди ва натижалар 6-расмда радионуклидлар активлигининг энергия каналлари рақамига боғлиқлик графигига қўйилган.

6-расмдан кўришиб турибдики, ҳар бир канал рақами ортиши билан уларнинг энергияси ҳам пропорционал равишда ортиб бормоқда. Демак, МКГБ-01 радиометрининг детекторлаш блоки тўғри калибровка қилинди.

Фонни ўлчаш. Дистилланган сув радиоактив эмаслигидан, полиэтилен пакетдан иборат инерт идиш дистилланган сув билан тўлдирилиб, фон сифатида қўлланилади. Фон 3000 секунд (50 мин) давомида ўлчанади ва ҳар бир спектр қийматлари (1) формула билан ҳисобланади, бунда ҳам ҳар бир канал рақами ўз энергиясига мос келди.

Тупроқдаги цезий-137 ва стронция-90 радионуклидлари активлигини бета-нурланиш асосида радиометрик аниқлаш. Сурхондарё вилоятининг радиоактив зарарланиш эҳтимоли бўлган 12 та нуқтасидан тупроқ намуналарини статик шароитда тадқиқ қилинди. Тупроқ намуналари O'zDSt ISO/IEC 17025:2017 стандарти асосида олиниб, ҳар бир намуна лабораторияда майдаланди ҳамда 5 мм диаметрли элакда эланди. Намуналар СНОЛ-80-01 маркали қуритиш шкафида 2 соат давомида қуритилди. Намуналар совигаҳ, аналитик тарозида тортилиб, идентификация қилинди. Стандарт ва синов намуналаридаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидлари активлиги МКГБ-01 РАДЭК радиометри билан радиометрик-спектрометрик усулда аниқланди. МКГБ-01 радиометри портатив компьютерга уланган бўлиб, «ASW» дастури ёрдамида ишлайди. «ASW» дастури РАДЭК (Россия) компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, радиометр ишини осонлаштиради, яъни «ASW» дастури билан ҳар 2 соатда фонни ўлчаш, натижаларни ҳисоблаш, анализ натижаларининг аниқлиги ва хатолигини текшириш зарур бўлмайди. Шунингдек, «ASW» дастури радионуклидларнинг ҳажмий ва солиштирама активлигини алоҳида ва бир гуруҳ қилиб ўлчаш имконини беради. Ўлчаш давомийлиги – 40 минут. Тадқиқот натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвалдан кўришиб турибдики, 2018 йилнинг баҳор фаслида 10,11 ва 12-нуқталарда Sr-90 нинг бета-нурланиш активлиги юқори қийматга эга экан ва бу белгиланган меъёр ($UB Sr-90 = 5,0$) дан баланд ҳисобланади. 10-нуқта Сариосиё туманидаги «Сариосиё» СИУ собиқ қ/х аэродроми ўрнида жойлашган А.Юсупов фермер хўжалигининг 61-дала майдони бўлиб, ХХ асрнинг 80-йиллари у ерда йилига 200 т га яқин пестицид, фунгицид, гербицид ва бошқа захарли моддалар йиғилиб қолган. Бу нуқтада стронций-90 активлиги бошқа нуқталарга нисбатан 2 баробар юқори. 11-нуқта Сурхондарё вилояти “Агрокимёхимоя” АЖ нинг марказий омборхонаси ҳисобланиб, Учқизил массивида жойлашган ва бутун вилоятга захарли кимёвий моддалар етказиб бериш билан шуғулланган. Омборхонадан ХХ асрнинг 80-йилларида туманларга ҳар ойда 1,5 минг тоннагача захарли моддалар тарқатилган ва тахминан 350 тонна қолдиқ захарли моддалар сақланган.

4-жадвал

**Сурхондарё вилояти тупроқларидаги стронций-90 радионуклиди
активлигини бета-нурланиш асосида аниқлаш натижалари
(2018 й, баҳор фасли, $t_{\text{ўлч}}=40$ мин, $E_{\text{мак}}=624$ кЭв, $ЧВ=0,64$ имп/с·Бк)**

№	Намуна-лар штрих коди	Намуна олинган жой	Sr-90 радионуклидининг β-нурланиш солиштирма активлиги, Бк/кг (УВ=5,0)
1	J-19 В	Жаркўрғон туманидаги «А.Навой» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган Ислон Асилбек фермер хўжалигининг 181-сонли участка дала майдони	0,95
2	T3-19 В	Термиз туманидаги «Янгиарик» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган Сурхон фермер хўжалигининг 212-сонли участка дала майдони	0,98
3	T-19В	Термиз туманидаги «Дўстлик» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган Равшан фермер хўжалигининг 58-сонли участка дала майдони	1,032
4	M-19 В	Музработ туманидаги «Р.Бўриев» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган Ғарб дарвозаси фермер хўжалигининг 165-сонли участка дала майдони	1,12
5	A-19 В	Ангор туманидаги «Қорасув» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган Мирзаобод Юксалиш фермер хўжалигининг 635-сонли участка дала майдони	1,28
6	Sh-19 В	Шеробод туманидаги «В.Қодиров» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган Қурбонов Рўзибой фермер хўжалигининг 219-сонли участка дала майдони	1,33
7	T2-19 В	Термиз туманидаги «Намуна» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган Раҳматжон Фазлиддин фермер хўжалигининг 26-сонли участка дала майдони	1,66
8	D-19 В	Денов туманидаги «Ғалаба» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган Исмоил фермер хўжалигининг 188-сонли участка дала майдони	1,85
9	U-19 В	Узун туманидаги «Б.Очилдиев» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган Амир Темур фермер хўжалигининг 377-сонли участка дала майдони	2,08
10	S-19 В	Сариосиё туманидаги «Сариосиё» СИУ собиқ к/х аэродроми ўрнида жойлашган А.Юсупов фермер хўжалигининг 61-сонли участка дала майдони	5,42
11	T4-19 В	Термиз туманидаги «Агрокимёхимоя» АЖ нинг марказий омборхонаси ўрни	5,66
12	T5-19 В	Термиз тумани Гулбаҳор массивида жойлашган «Заҳарли химикатлар кабрисони»	8,77

*-кейинги жадалларда намуна олинган жой ўрнига фақат намуналарнинг штрих коди берилган.

12-нукта эса ишлатилмай қолган ва яроқсиз бўлиб қолган заҳарли моддалар кабрисони ҳисобланади ва унинг бункерларига тахминан 2017-2019 йилларда 1200 тонна заҳарли моддалар кўмилган. Стронций-90 радионуклидининг 10, 11 ва 12-нукталарда белгиланган меъёрдан ортиқ

активлик қийматига эга бўлиши – бу нуқталарда йиллар давомида захарли моддалардан илмий асосланмаган ҳолда фойдаланиш, кимёвий моддаларни ташиш, сақлаш, фойдаланиш ва яроқсиз моддаларни ўз вақтида утилизация қилиш қоидаларига риоя қилмаслик, зарарланган ер майдонларида ўз вақтида зарарсизлантириш ва бошқа агротехника ишлари (асосан рекультивация) ни олиб борилмаганлиги ҳамда натижада йиллар давомида зарарланган тупроқдаги радионуклидлар қор ва ёмғир сувлари билан ер ости сувларида эриб, 2-50 км масофагача бўлган атроф-муҳит (тупроқ, ер ости сувлари ва атмосфера) ни зарарлагани сабаб бўлган.

Бизга маълумки, тупроқни йилига камида икки марта (баҳор ва куз фасларида) радиометрик таҳлил қилинади. Радионуклидларнинг тупроқдаги кўчиши ва тарқалишини аниқлаш ва таққослаш учун куз фаслида ҳам анализлар олиб борилди.

5-жадвал


Сурхондарё вилояти тупроқларидаги стронций-90 радионуклиди активлигини бета-нурланиш асосида аниқлаш натижалари (2018 й, куз фасли, $t_{\text{длч}}=40$ мин, $E_{\text{max}}=624$ кЭв, ЧВ=0,64 имп/с·Бк)

№	Намуналар штрих коди	Sr-90 радионуклидининг β-нурланиш солиштирама активлиги, Бк/кг (УВ=5,0)	Белгиланган меъёрдан ошиши
1	J-19 В	0,73	-
2	T3-19 В	0,92	-
3	T-19В	0,71	-
4	M-19 В	0,77	-
5	A-19 В	1,11	-
6	Sh-19 В	1,22	-
7	T2-19 В	1,55	-
8	D-19 В	1,63	-
9	U-19 В	1,34	-
10	S-19 В	4,68	-
11	T4-19 В	5,09	+
12	T5-19 В	7,81	+

5-жадвалдан кўриниб турибдики, 2018 йилнинг куз фаслида стронций-90 радионуклидининг β-нурланиш активлиги 11 ва 12-нуқталарда белгиланган меъёр (УВ Sr-90=5,0) дан юқори. Баҳор фаслига қараганда 9-нуқтада стронций активлиги белгиланган меъёрдан паст бўлган. Адабиётлардан бизга маълумки, тоғ ва тоғолди ҳудудларида қиш ва баҳор фаслидаги ёғинлар ва бошқа атмосферадаги таъсирлар ҳисобига радионуклидлар сувда эриб, ер ости сувларига кўшилади. Бизнингча, мана шу сабаб туфайли Сарисийё 9-нуқтасида стронций активлиги камайган.

4- ва 5-жадвалдаги натижаларни график кўринишда ифодалаймиз. 7-расмда кўк изотерма баҳор фаслидаги активликни, сариқ изотерма эса куз фаслидаги активликни ифодалайди. Бунда радионуклидларнинг активлиги баҳор фаслидагига қараганда куз фаслида камайганлигини кўришимиз

мумкин.



7-расм. Сурхондарё вилояти тупроқлари таркибидаги стронций-90 радионуклидининг бета-нурланиш активлигини аниқлаш натижалари

6-жадвал

Сурхондарё вилояти тупроқларидаги стронций-90 радионуклиди активлигини гамма-нурланиш асосида аниқлаш натижалари (2018 й, куз фасли, $T_{\text{ўлч}}=40$ мин, $E_{\text{max}}=624$ кЭв, $\text{чв}=0,64$ Имп/с·Бк)

№	Намуналар штрих коди	Sr-90 радионуклидининг γ -нурланиш солиштирама активлиги, Бк/кг ($УВ=5,0$)	Белгиланган меъёрдан ошиши
1	J-19 B	1,05	-
2	T3-19 B	1,04	-
3	T-19B	1,06	-
4	M-19 B	1,08	-
5	A-19 B	1,36	-
6	Sh-19 B	1,28	-
7	T2-19 B	1,75	-
8	D-19 B	1,90	-
9	U-19 B	1,98	-
10	S-19 B	5,35	+
11	T4-19 B	5,54	+
12	T5-19 B	8,60	+

6-жадвалда 9,11 ва 12-нукталарда стронций активлиги юқоридаги сабабларга кўра, бошқа нукталардагига қараганда баланд.

Сурхондарё вилояти тупроқларидаги стронций-90 радионуклиди активлигини гамма-нурланиш асосида аниқлаш натижалари (2018 й, баҳор фасли, $t_{\text{ўлч}}=40$ мин, $E_{\text{max}}=624$ кЭв, ЧВ=0,64 имп/с·Бк)

№	Намуналар штрих коди	Sr-90 радионуклидининг γ -нурланиш солиштира активлиги, Бк/кг (УВ=5,0)	Белгиланган меъёрдан ошиши
1	J-19 В	0,78	-
2	T3-19 В	0,84	-
3	T-19В	0,88	-
4	M-19 В	0,82	-
5	A-19 В	1,08	-
6	Sh-19 В	1,06	-
7	T2-19 В	1,43	-
8	D-19 В	1,57	-
9	U-19 В	1,25	-
10	S-19 В	4,59	-
11	T4-19 В	5,05	+
12	T5-19 В	7,75	+

Примечание [a1]:

Бу ерда ҳам қиш ва баҳордаги ёгинлар сабабли куз фаслидаги натижалардан стронций-90 радионуклидининг активлиги пастроқ эканлигини кўриниб турибди. Sr-90 активлигини аниқлаш бўйича тажриба натижаларини таққослаб, аниқлаш хатолиги 10% эканлиги аниқланди. Сурхондарё вилояти тупроқларидаги Cs-137 активлиги юқоридаги усул ва тартиб билан аниқланди. Натижалар куйидаги жадвалларда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, 2 ва 3-нуқталардан ташқари, бошқа барча нуқталарда цезий-137 активлиги белгиланган меъёрдан юқори бўлса, 8, 9, 10, 11 ва 12-нуқталарда эса кескин юқори. 2 ва 3-нуқталар Термиз туманидаги Дўстлик ва Янгиариқ СИУ ҳудудлари ҳисобланади ва бу ерларда фермер хўжаликлари томонидан рекультивация ишлари доимий ўтказиб борилган. Қолган нуқталар туман ҳокимликларининг захира ерлари ҳисоблангани боис, рекультивация ишларига эътиборсизлик билан қаралган ҳамда радиоактив зарарланиш майдони кенгайиб борган.

8-жадвал

**Сурхондарё вилояти тупроқларидаги цезий-137 радионуклиди
активлигини бета-нурланиш асосида аниқлаш натижалари
(2018 й, баҳор фасли, $t_{\text{ўлч}}=40$ мин, $E_{\text{мак}}=624$ кЭв, ЧВ=0,64 имп/с·Бк)**

№	Намуналар штрих коди	Cs-137 радионуклидининг β -нурланиш солиштирма активлиги, Бк/кг ($УВ=1,1\pm 1$)	Белгиланган меъёрдан ошиши
1	J-19 В	2,05	+
2	T3-19 В	1,04	-
3	T-19В	1,08	-
4	M-19 В	1,18	+
5	A-19 В	1,36	+
6	Sh-19 В	1,48	+
7	T2-19 В	1,65	+
8	D-19 В	2,30	+
9	U-19 В	2,08	+
10	S-19 В	2,35	+
11	T4-19 В	3,46	+
12	T5-19 В	3,75	+

Куз фаслидаги натижалар баҳор фаслидаги натижаларга қараганда пастроқ, лекин бу камайиш сезиларли эмас. Жумладан, 4-нуқта Музработ тумани Р.Бўриев СИУ ҳудудида жойлашган бўлиб, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайди.

Тўртинчи «Сурхондарё вилояти тупроқларидаги радионуклидлар тадқиқотлари натижалари муҳокамаси ва тарқалиш қонуниятлари» бобида тупроқ намунаси таркибида цезий-137 ва стронций-90 радионуклидлари мавжудлиги масс-спектрометрия усули натижалари билан исботланган. Сурхондарё вилояти тупроқларидаги радионуклидларининг тарқалиш қонуниятлари тасдиқланган ва исботланган.

**Сурхондарё вилояти тупроқларидаги цезий-137 радионуклиди
активлигини бета-нурланиш асосида аниқлаш натижалари
(2018 й, куз фасли, $T_{\text{ўлч}}=40$ мин, $E_{\text{мах}}=624$ кЭв, $\text{чв}=0,64$ Имп/с·Бк)**

№	Намуналар штрих коди	Cs-137 радионуклидининг β -нурланиш солиштирма активлиги, Бк/кг (УВ=1,1±1)	Белгиланган меъёрдан ошиши
1	J-19 В	1,75	+
2	T3-19 В	0,84	-
3	T-19В	0,78	-
4	M-19 В	0,96	-
5	A-19 В	1,12	+
6	Sh-19 В	1,23	+
7	T2-19 В	1,42	+
8	D-19 В	2,11	+
9	U-19 В	1,78	+
10	S-19 В	2,12	+
11	T4-19 В	3,26	+
12	T5-19 В	3,15	+

Ишлаб чиқилган усулнинг тўғрилиги ва натижаларининг ишончлилигини исботлаш учун тупроқ намуналари масс-спектрометрия усулида таҳлил қилинди. Бунинг учун радиометрик-спектрометрик аниқлаш натижаларида энг паст кўрсаткичга эга бўлган Т-19В (Термиз тумани Дўстлик СИУ) нуқта намунасидан фойдаланилди. Таҳлиллар натижаси 10-жадвалда келтирилган:

10-жадвал

Тупроқ таркибидаги цезий-137 радионуклидининг γ -нурланиш активлигини масс-спектрометрик усулда аниқлаш натижалари
($t_{\text{ўлч}}=300$ мин, $E_{\text{мах}}=760$ кЭв, ЧВ=0,46 имп/с·Бк)

№	Намуналар штрих коди	Цезий-137 радионуклиди гамма-нурланиш активлигининг масс-спектрометрдаги натижалари, Бк/кг	Цезий-137 радионуклиди гамма-нурланиш активлигининг МКГБ-01 радиометр-спектрометрдаги натижалари, Бк/кг
1	T-19B-1	0,79	0,89
2	T-19B-2	0,84	
3	T-19B-3	0,96	
4	Ўртача	0,86	

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган аниқлаш усули ўртача сезгирлик ва аниқлаш хатолигига эга бўлса-да, ўлчаш вақтининг камлиги, арзон асбобларнинг қўлланилиш ва ўлчаш ишларининг осонлиги туфайли тупроқ таркибидаги радионуклидларни аниқлашда афзал ҳисобланади. Чунки экологик фавқулодда вазиятларда биринчи ўринда экологик хавф даражасини тезкорлик билан аниқлаш туради. Бу устунликни қуйидаги жадалда кўриш мумкин:

11-жадвал

Радиометрик аниқлашларда қўлланиладиган радиометрларнинг қиёсий таснифлари

Радиометрлар	Асбобнинг сезгирлиги, имп/с*Бк	Аниқлаш чегараси, Бк/кг	Ўлчаш вақти, мин	Ўлчаш хатолиги, %	Асбобнинг ўзига хослиги
МКГБ-01	0,64	$0,5-2 \cdot 10^4$ Cs-137, $0,3-1,5 \cdot 10^4$ Sr-90	40	10	Ўртача сезгирлик, ўртача аниқлаш хатолиги, аниқлаш оддийлиги, ўлчашнинг автомалаштирилганлиги, арзон асбоблар ишлатилиши
УМФ-1500	0,96	$2-1 \cdot 10^2$	300	15-30	Ўртача сезгирлик, юқори аниқлаш хатолиги, аниқлаш мураккаблиги
Масс-спектрометр DELTA Plus	0,46	$0,1-5 \cdot 10^5$	240	3	Юқори сезгирлик, юқори аниқлик, аниқлаш мураккаблиги, қиммат асбоблар ишлатилиши

Масс-спектрометрия усули натижаларига асосланиб, масс-спектрометрия усули натижалари радиометрик-спектрометрик усулда олинган натижалардан сезиларли фарқ қилмаслиги, яъни цезий-137 радионуклидининг масс-спектрометрда ўртача 0,86, МКГБ-01 радиометрида эса 0,89 эканлиги аниқланди. Демак, аниқлаш хатолиги 10% атрофида сақланади. Шундай қилиб, Сурхондарё вилояти тупроқларидаги цезий-137 ва стронций-90

радионуклидларини радиометрик-спектрометрик аниқлаш усулининг аниқ ва ишончлилиги исботланди. Шунингдек таъкидлаб ўтиш лозимки, масс-спектрометрия усулининг афзаллиги – юқори сезгирлик ва аниқлик ҳисобланади. Лекин қиммат асбобларнинг қўлланилиши ва ўлчаш вақтининг узок давом этиши қўллаш соҳаларини камайтиради.

ХУЛОСАЛАР

1. Тупроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини бета- ва гамма-нурланишлар асосида БДЕГ-80 детекторлаш блоки билан радиометрик-спектрометрик аниқлаш усули ишлаб чиқилди, шунингдек, бу усулда МКГБ-01 радиометрини RGK-1 сертификатланган стандарт намунаси билан Pb-214 (352 кэВ), Bi-214 (609 кэВ), K-40 (1460 кэВ) ва Tl-208 (2615кэВ) гамма-спектр чизиклари энергия қийматлари асосида “ASW” дастурида автоматик даражалаш тавсия этилди.

2. Ишлаб чиқилган усулнинг мақбул шароитлари аниқланди: аниқлаш хатолиги $\pm 10\%$ дан ошмайди, намунанинг зичлик қиймати $0.2 - 2 \text{ г/см}^3$ оралиғида, ўлчаш вақти - 40 мин, аниқлаш сезгирлиги $0,64 \text{ имп/с/Бк}$, детекторлаш блоки БДЕГ-80, ўлчаш идиши- «Маринелли идиши», аниқлаш чегараси цезий-137 учун $(0,5 - 2) \cdot 10^4 \text{ Бк/кг}$ ва стронций-90 учун $(0,3 - 1,5) \cdot 10^4 \text{ Бк/кг}$ га тенг бўлиши таклиф қилинди.

3. Тупроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини аниқлашнинг ишлаб чиқилган танловчан, тезкор, самарали радиометрик-спектрометрик усули лаборатория шароитида синовдан ўтказилди ва Сурхондарё вилояти тупроқлари таркибидаги цезий-137 ҳамда стронций-90 радионуклидларининг солиштирма фаоллиги аниқланди. Ишлаб чиқилган усул натижаларининг тўғрилиги ва ишончлилиги масс-спектрометрия усули билан кўрсатиб берилди.

4. Сурхондарё вилояти тупроқлари таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларининг тарқалиш ҳамда кўчиш қонуниятлари вилоятнинг радиоактив зарарланиш эҳтимоли бўлган 12 та нуқтасидан йилнинг баҳор ва куз фасларида олинган тупроқ намуналарини статик шароитда тадқиқ қилиш билан изоҳланади.

5. Тупроқ таркибидаги цезий-137 ва стронций-90 радионуклидларини радиометрик-спектрометрик аниқлаш усули “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ лабораториясида амалиётга жорий қилинди ва реал объектлар анализидида қўллаш таклиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.К.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭШКАРАЕВ САДРИДИН ЧАРИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА РАДИОМЕТРИЧЕСКОГО МЕТОДА ОПРЕДЕЛЕНИЯ
РАДИОНУКЛИДОВ ЦЕЗИЯ-137 И СТРОНЦИЯ-90 НА ОСНОВЕ БЕТА И
ГАММА-ИЗЛУЧЕНИЙ В ПОЧВАХ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

02.00.02–Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/К305.

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/К305.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу www.samdu.uz и информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель:

Тураев Хайит Худайназарович
Доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кулматов Рашид Анорович
доктор химических наук, профессор

Султонов Марат Мирзаевич
доктор химических наук

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «30» 07 2020 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.K.02.05 при Самаркандском государственном университете. (адрес: 140104, г.Самарканд, ул. Университетский бульвар 15, физико-химический корпус, 3-этаж, 305-аудитория. Тел.: (+99866)239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за №43). Адрес 140104, г. Самарканд, ул. Университетский бульвар. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан «22» 07 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 6 от «22» 07 2020 года).



А.М. Насимов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Ш.М. Сайткулов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.х.н., доцент

Э. Абдурахманов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире проводятся огромные научно-исследовательские работы по радиометрическому мониторингу природных сред. По данным ученых доля естественных источников радиации в суммарной дозе, накапливаемой среднестатистическим человеком на протяжении всей жизни, составляет 87%, оставшиеся 13% приходятся на источники, созданные человеком. Развитые страны ежегодно исчерпывают миллиарды долларов на утилизацию радиоактивных отходов. По этой причине радиометрический мониторинг природных сред на сегодняшний день имеет важное значение. А для мониторинга необходимо оптимальная, высокоэффективная и результативная методика радиометрического определения.

В мире проводятся широкомасштабные научно-исследовательские работы по разработке методов определения наличия радионуклидов, что позволяет снизить предел обнаружения их, устранить или значительно уменьшить влияние макро и микрокомпонентов, повышает правильность и чувствительность анализа. При анализе наличия радионуклидов в природных объектах используются методы: низкофоновая радиометрия, бета-спектрометрия и масс-спектрометрия. Поэтому разработка эффективных радиометрическо-спектрометрических методик для определения радионуклидов является на сегодняшний день актуальной проблемой.

В нашей Республике уделяется большое внимание мероприятиям по системе научно обоснованного ведения промышленных объектов и охраны окружающей среды через внедрение инновационных технологий. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² намечены задачи по «Совершенствованию промышленности на качественно новый уровень, дальнейшей интенсификации производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска принципиально новых видов продукции и технологий». В связи с этим имеет особое значение разработка эффективных, экспрессных и экономически дешёвых методик определения радионуклидов в природных объектах.

